2010 йил 15 январь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 10 (11.571)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг маънан етук ва жисмонан бақувват, билимли, эртанги кунимиз учун етук мутахассис бўлиб етишишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган.**





**2010 йил — Баркамол авлод йили**

### ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАНАДИ

Тошкент Авиасозлик касб-ҳунар коллежи республикада авиация йўналиши бўйича кадрлар тайёрлайдиган ягона ўрта махсус касб-ҳунар таълими маскани саналади. Ўқув жараёни услубий қўлланмалар, ўқув адабиётлари ва малакали муҳандис-педагог ходимлар билан тўла таъминланган. Таълим масканида ўқувчиларнинг ўқув амалиёти коллежнинг тегишли ускуналар билан жиҳозланган ўқув устахоналари ва лабораторияларида ўтказилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари «Тошкент Авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» ДАЖ, «Ўзпахтамаш» ОАЖ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг корхоналарида олиб борилади.

**СУРАТДА: Тошкент Авиасозлик касб-ҳунар коллежидаги ўқув жараёнидан лавҳа.**

**Қуролли Кучларимиз вакиллари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.**

## ВАТАНИМИЗНИНГ ЖАСУР ЎҒЛОНЛАРИ

Юртимиздаги тинч ва осойишта, фаровон ҳаёт халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз тараққиётининг муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригида таъкидланганидек, Ўзбекистонда замонавий талаб ва стандартларга жавоб берадиган, юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигининг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларни барпо этиш ва миллий армиямизни шакллантириш борасида ўзининг моҳияти ва кўламига кўра том маънода улкан ишлар амалга оширилди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни Мустақиллик майдонида юртимиз посбонлари саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Анъанага кўра, майдонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Давлат божхона қўмитаси вакиллари ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

## ИДОРАЛАРАРО МУВОФИҚЛАШТИРИШ КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда 2009 йилда идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг фаолияти якунлари сарҳисоб қилинди ва 2010 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрда қабул қилинган «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Йиғилишда танловга Жиззах вилоятидан битта теле, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳридан жами бешта радиочастоталар бўйича тушган буюртманомалар кўриб чиқилди ва ғолиблар аниқланди.

Комиссия томонидан, шунингдек теледастурларни тарқатиш ва ҳудудини кенгайтириш, маълумотлар узатиш тармоқларида хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг лицензия олиш учун берган аризалари кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## МУСТАҚИЛ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ

**Португалиянинг рус тилида чоп этиладиган «Слово» газетасида Алексей Дьячковнинг «Ўзбекистон ўз энергетика тизимини яратади» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.**

Унда Марказий Осиё ягона энергетика тизимининг ишлаши билан боғлиқ муаммолар, Нурек ГЭСида ўтган йилнинг ноябрь ойида технологик режимнинг қўпол равишда бузилиши оқибатида юзага келган навбатдаги ҳалокат ва унинг Ўзбекистон энергия тизимига таъсири, шунингдек, Ўзбекистонда ўз ишончли энергетика тизимини яратиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилади.

Мақолада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидан чиқиши ҳақидаги қарори кейинги пайтларда турли хориж оммавий ахборот воситалари диққат эътиборида экани айтилади. Амалдаги ягона энергетика тизими собиқ иттифоқнинг ривожланишига мос ҳолда ташкил этилган бўлиб, унда собиқ иттифоқдош республикалар ҳеч қандай мустақилликка эга бўлмаган ва уларга умумий ҳудуднинг бир қисми сифатида қаралган.

Собиқ иттифоқ даврида Марказий Осиё ягона энергетика тизимининг фаолият юритиши гўёки таъминланди, амалда эса ҳеч қандай ваколат ва ҳуқуқ қолмади, оқибатда тизим шу қадар заифлашдики, унга аъзо бўлган ҳар қандай давлат назоратсиз ва қонунсиз равишда ўз манфаатлари йўлида электр энергиясини танлаб олишлари мумкин бўлиб қолди. Шу билан бирга, ушбу ҳаракатларнинг бошқа давлатларга салбий таъсири ҳисобга олинмади.

Ушбу шароитда Марказий Осиё ягона энергетика тизимида узилишлар юзага келиб, минтақадаги давлатларга жиддий салбий таъсир кўрсата бошлади ва энергетика тизимида зиддиятли вазият юзага келди. 2009 йил январдан март ойигача Қозоғистоннинг Марказий Осиё ягона энергетика тизимидаги ўз фаолиятини тўхтатиши, Туркманистоннинг эса 2003 йилда ушбу тизимдан чиқиши бунга мисолдир.

Мақола муаллифи ҳаракатларга рози бўлмайдиган туганмас далиллар ва Мувофиқлаштирувчи диспетчерлик марказининг буйруғига кўра, баъзида ҳатто ҳамоҳанг тарзда ишлаётган Марказий Осиёнинг ягона энергетика тизимига аъзо бўлган давлатларнинг энергетика тизими режими қўпол равишда бузилиши оқибатида мунтазам равишда ҳалокатлар ва диспетчерлик режимларнинг бузилиши юзага келаётганини баён қилади.

Ўтган йилнинг 9 ноябрь куни Тожикистондаги Нурек ГЭСида агрегатларнинг ғайриихтиёрий тарзда тўхтаб қолиши оқибатида юзага келган тизимли ҳалокат туфайли Тожикистон энергетика тизимининг Вахш дарёсидаги барча ГЭСлар, ҳатто яқинда барпо этилган Сангтудин ГЭСи фаолиятининг тўхтаб қолгани учун Тожикистон энергетика тизимининг жанубий қисми бутунлай ўчди.

(Давоми 2-бетда).

**Фармон ва ижро**

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил 12 ноябрда қабул қилинган «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони иқтисодиёт тармоқлари ривожида муҳим омил бўлаётир.**

Тадбиркорларнинг давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани кичик корхоналар сони кўпайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган "Асбобсоз" очиқ акциядорлик жамияти ана шундай корхоналардан. Бу ерда автобус эҳтиёт қисмлари, электр ҳисоблагичлар учун штамплар, мактабларнинг физика ва кимё хоналари учун кўргазмали ўқув қуроллари каби ўттиз турдаги маҳсулот маҳаллий хом ашё негизида тайёрланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **КЕЧА** Ҳамза туманидаги ҳарбий қисмда туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорликларида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури «Ватаннинг мард ўғлонлари» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академияси шарқшунослик институтида тадқиқотчилар иштирокида ўтказилган тадбирда мазкур илм маскани қўлёзмалар фондида сақланаётган ноёб қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини яратиш устида иш олиб борилаётганлиги маълум қилинди.

✓ **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси фаолиятини яхшилаш мақсадида янги йилда электрон каталог яратилди. Эндиликда китобхонлар масофадан туриб кутубхона хизматидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

✓ **МИРОБОД** туманидаги F.Fулом номидаги маданият уйида «Ҳунарли хор бўлмас» мавзуида уюштирилган тадбирда тўгараклар, курслар ёшлари ҳамда 215-мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Президентимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳамда «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури» ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилояти ахборот-кутубхона марказида давра суҳбати ўтказилди.**

**• Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги бошқарув йиғилиши бўлиб ўтди. Унда оналик ва болаликни ижтимоий муҳофазалаш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни иш билан таъминлаш ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги ишлар атрофлича муҳокама этилди ва келгусида амалга оширилиши мўлжалланган вазифалар белгилаб олинди.**

**• Жиззах Олимпия заҳиралари коллежида Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб вилоят ҳудудидаги ҳарбий қисмлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва Байналмилал жангчилар уюшмаси жамоалари ўртасида спартакиада ўтказилди.**

**• Наманганлик йўлсозлар Янги йилнинг дастлабки кунларида шаҳар аҳлига яна бир иншоотни туҳфа қилдилар. Вилоят марказининг Давлатобод даҳасида ер ости автомобиль йўлининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Наманган кўприк қурилиш корхонаси ва қатор пудратчи ташкилотлар мазкур иншоотни бунёд этиш учун 3,5 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар.**

**• Нукус шаҳрида халқ таълими соҳасида «Истеъдодларни излаймиз» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.**

**• «Ниҳол» мукофоти совриндори, қорақалпоғистонлик иқтидорли хонанда Женгисбек Пиязов рус романси ёш ижрочиларининг Москвада бўлиб ўтган XIII халқаро танловида муваффақиятли иштирок этди. У ўзининг бетакрор овози билан йиғилганларнинг эътирофига сазовор бўлиб, биринчи ўринни эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди.**

### ЖАҲОНДА

**• Мўғулистон Президенти Цахиагийн Элбэгдорж парламент йиғилишида бундан буён мамлакатда ўлим жазосига араторий қўйилиши ҳақида маълум қилди. Лекин депутатлар президентнинг бу таклифини совуқ қабул қилишди. Кузатувчиларнинг фикрича, депутатларнинг бундай муносабати президентнинг бу таклифини қонуний жорий этиш жуда қийин кечишидан далолатдир.**

**• Сўнгги маълумотларга кўра Гаитидаги кучли зилзила натижасида мамлакатда фаолият кўрсатаётган БМТ миссиясининг 36 нафар ходими ҳаётдан кўз юмган.**

**• Ҳозиргача Гаитига 30 та давлатдан кўмак келди, бир нечта мамлакат қутқарувчилари вайроналар остида қолган кишиларни қутқариш фаолияти билан шуғулланмоқда.**

**• Кеча АҚШ Президенти Барак Обама Гаитига 100 миллион долларлик ёрдам пули зудлик билан юборилишини таъкидлади. Шунингдек, Шимолий Америкадан Гаитига авианосец, десант кемаси ҳамда уч минг нафар денгиз пиёдалари кўмак сифатида жўнатилади.**

**• Эрон ядро дастури бўйича 16 январда Нью-Йоркда ўтказилиши белгиланган «Олтилик» учрашуви уюштирилмайдиган бўлди.**

**• Пентагон ўзининг Исроилдаги қурол-яроғлар заҳирасини кучайтиришга қарор қилди.**

**• Ироқда 11 киши ўтган йилнинг августида Бағдод шаҳрида террорчилик ҳаракатларини ташкил этганлиги учун ўлим жазосига ҳукм этилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу теракт натижасида 95 киши ҳалок бўлган, мингдан зиёд одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган эди.**

**• Россиянинг «Камаз-Мастер» жамоаси «Дакар-2010» халқаро раллисининг ўнинчи босқичида ғолиб чиқди.**

**• Яқинда астрономлар коинотда Ерга ўхшаш бешта сайёра мавжудлигини аниқлашди. «Кеплер» телескопи ёрдамида топилган ушбу сайёралар илгари фанга маълум бўлган эмас. Мутахассислар улар ўз юлдузларига яқин жойлашгани боис ҳарорат жуда юқори даражада эканини айтишмоқда. Бу эса у жойларда ҳаёт йўқ, деган тахминларга сабаб бўлаётир.**

